



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI


Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: xasror@xasror.com, web sayt: www.21asr.uz

ЎЎҚИТИШ-СИЙOSIY GAZETA

2012 йил 30 август, пайшанба, 35 (459)-сон

ТАҚДИРИМИСАН, БАХТИМИСАН. ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА



30 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси очилади

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисини ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тинланди.

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталар мажлисларининг ўтказилганлиги тўғрисида ва тўққизинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар юзасидан қарорлар лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

2 >>>

Тўёна

ГУЛИСТОНДА ЯНГИ МАДАНИЯТ МАСКАНИ

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан Гулистон шаҳрининг Ўзбекистон шохқўчасида қурилган янги кўргазмалар салонининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди

Замонавий меъморчилик услубида барпо этилган масканда дастлабки кўргазмани Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари — Анорқул Бойбеков ва Баҳодир Бобоназаров ўтказдилар.

Сирдарё вилоят ҳокимлигидан хабар қилинишича, тадбирда Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нуриддинов кўргазма эгалари ҳамда иштирокчиларни энг улуғ ва энг азиз байрам, шунингдек, вилоят маданий ҳаётида рўй берган қувончли воқеа билан муборакбод этди.

А.Бойбеков ва Б.Бобоназаровнинг юртимизнинг бетакрор табиати, тарихий обидалари ва бошқа гўшалари акс эттирилган асарлари санъат илосманларидан катта таассурот қолдири.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин қалбдан эзгу истаклар билдирилган. Жумладан, Хитой Халқ Республикаси Раиси ва Америка Қўшма Штатлари Президенти томонидан йўлланган табрикларда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст халқингизга Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, хитой халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловлар ва энг эзгу тилакларимизни йўллаймман.

Мустақиллигининг 21 йили мобайнида Сиз, Жаноби Олийларининг узоқни кўзлаган раҳбарлигининг остида Ўзбекистон ижтимоий уйғунлик ва барқарорликни муттасил сақлаб келмоқда, иқтисодиётнинг устувор дара-

жада ривожланишини таъминламоқда ва ўзининг тараққиёт йўлига амал қилган ҳолда гоёг катта ислохотларни олиб бормоқда ва халқаро ҳамжамиятнинг эътирофи ҳамда ҳурматига сазовор бўлмоқда, бунга эса Хитой томони Ўзбекистоннинг самимий дўсти ва ишончли шериги сифатида чин дилдан қувонмоқда. Ўзбекистонга Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлиги остида давлат қурилиши соҳасида яна ҳам ёрқинроқ муваффақиятларга эришини тилаймман ва бунга менинг ишончим комил.


2 >>>

**«XXI АСРДА ҚАЙСИ ДАВЛАТ
ҚУДРАТЛИ, ҚАЙСИ ХАЛҚ КУЧЛИ
БЎЛАДИ? БУ САВОЛГА АҲОЛИСИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ НУҚТАН НАЗАРДАН
БАРКАМОЛ, ЁШЛАРИ БИЛИМЛИ, ОР-
НОМУСЛИ, ВАТАНПАРВАР БЎЛИБ
УНИБ-ЎСАЁТГАН ДАВЛАТ, ДЕБ ЖАВОБ
ҚАЙТАРИШ МУМКИН».**

Ислам КАРИМОВ

Истиқдол тенгдошлари

Мен — йигирма бир ёшдаман!



Бахтиёр МАМАДАЛИЕВ,
1991 йили Қашқадарё
вилоятида туғилган. Тошкент
Давлат иқтисодиёт
университети талабаси.

— Мен истиқдол тенгдоши эканимдан фахрланаман. Бу ифтихор айни пайтда зиммамга жуда катта масъулият ҳам юклайди. Шунинг учун кўпроқ билим олиш, жамоат ишла-

рида фаол қатнашишга ҳаракат қилаяпман. Бугун янги яллов вакиллари учун яратиб берилган шароитлар туфайлига ўз орзу-ниятларимга аста-секин эришяпман. Айниқса, 2008 йили «Келажак

овози» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб чиққаним катта ҳаёт йўлидаги катта ютуқларимдан бири бўлди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли сифатида ушбу ташкилот тадбирларида доимо қатнашиб келаман. Шу боис ўтган йили — 20 ёшимда, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик тўйи арафасида «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони билан тақдирландим. Мазкур мукофотни менга билдирилган жуда катта ишонч, деб биламан.

Бу йил эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг талабаси бўлишим. Келажакда кучли иқтисодчи сифатида юртимиз иқтисодиёти янада ривожлантиришга ҳисса қўшишни бош мақсадга айлан тирганман.

3 >>>



ХАЛҚИМИЗ БУЮК БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Ислам
Каримов
29 август
куни Тошкент
шаҳрида
амалга
оширилаётган
бунёдкорлик
ишлари билан
танишди

Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар, улкан миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, янгидан-янги sanoat корхоналари, маданият ва спорт иншоотлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, савдо марказлари, турар-жойлар, йўллар барпо этиш изчил давом этмоқда. Бундай иншоотларни энг улуғ ва энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш аънаанага айланган. Ана шу хайрли аънаанага мувофиқ истиқлолимизнинг 21 йиллик байрами олдилан

мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, пойтахтимизда қўллаб-янгиланган иншоотлар қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов 29 август куни Тошкент шаҳридаги ана шундай иншоотларнинг айримлари билан танишди.

Президентимиз академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуасига ташриф буюрди.

2 >>>

ЎЗБЕКISTON ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЖАҲОНДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 75,38 балл билан жаҳон рейтингидан иккинчи ўринни эгаллади. Бунга муваппақликка эришган CNN компанияси дунё мамлакатлари бўйича таълим ҳолати тўғрисидаги қўбсий ахборотда маълум қилди. Унга кўра, 75,70 балл билан Ирландия биринчи ўринни банд этган бўлса, ушбу рўйхатнинг кейинги ўринларидан Дания, Янги Зеландия, Исландия ва Бельгия сингари ривожланган давлатлар жой олган. Таълим тизими ривожланишининг кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон кўплаб мамлакатлардан илгарилар кетган. Хусусан, давлатнинг мақсадлар қуриши ва янгиланган сарфлаётган ҳаракатлари, ГМАТ, яъни бизнес мактабларида муваффақиятли таълим олаётган ўқувчиларнинг ўртача баҳоси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон эришган натижалар бошқа мамлакатлардан анча юқори эканини кўрсатган.

Мустақиллик ва миллий парламентаризм

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик қутлуғ санаси арафасида парламентнинг шаклланиш ва ривожланиш йўлига яна бир бор назар ташлаб, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда халқ вакиллари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқ, албатта



Тўлибон ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси.

— Маълумки, истиқлолнинг дастлабки кунларида ноқ Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош мақсадлардан бири

этиб белгиланди. Янги давлат ва янги жамият қуришда, энг аввало, иқтисодиётнинг мафқурадан холилиги ва сиёсатдан устулиги, давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш таъминлари қатъий амал

қилиниши, ушбу стратегик тамойиллар бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам ривожланишининг «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилмоқда.

Миллий парламентни шакллантиришда эса Олий Советдан Олий Кенгашгача, сўнгра Олий Мажлисгача ва бир палатали парламентдан профессионал икки палатали парламентгача бўлган босқичлар босиб ўтилади.

Биринчи босқичда суверенитетимиз пойдевори яратилиб, давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиёти ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган муҳим қонунлар қабул қилинди.

3 >>>



3 ШУ СОНДА:

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА
ПАРЛАМЕНТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ
БУ — ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ
ЖАРАЁНИНИ СИФАТ ЖУХАТДАН
ЖИДДИЙ ОШИРИШ, УМУМДАВЛАТ ВА
ХУДУДИЙ МАНФААТЛАРНИНГ
МУТАНОСИБЛИГИГА ЭРИШИШДАН
ИБОРАТ БЎЛДИ.**

ХАЛҚИМИЗ БУЮК БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Юртбошимиз раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида аҳолига кардиология йўналишида кўрсатилаётган хизматлар кўламини янада кенгайтириш, профилактика ва диагностика ишлари самардорлигини ошириш ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётди. Кардиожароҳлик мажмуаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин намунаси.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни тақомиллаштириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг энг илгор усулларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг устувор вазифаларидандир. Турт қаватли мазкур марказ кардиология жарроҳлиги йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган. Мажмуанинг биринчи қаватида кунига икки юз беморни кўридан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, қон қуйиш станцияси, стационар шариотда даволанадиган беморларни қабул қилиш хонаси, конференция зали ва бошқа хизмат хоналари жойлашган.

Бионинг иккинчи қаватида уч ёшгача бўлган болаларнинг туғма юрак нуқсонларини даволаш бўлими, интервенцион кардиология ва юрак уриш ритми бузилиши бўлими ҳамда ангиографик жарроҳлик хоналари мавжуд. Учинчи қаватда кардиожароҳлик бўлимининг палата, гемодиализ ва трансплантация бўлимлари, клиник-диагностика лабораторияси ва диагностика хоналари жойлашган. Тўртинчи қават эса реанимация бўлими ва иккита кардиожароҳлик хоналарига эга.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, жарроҳлик амалиёти жараёнида фойдаланиладиган замонавий тиббиёт техникаси ва технологияларининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

— Жарроҳликда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ўрнатилган уларнинг имконияти ва замонавийлигини инобатга олиш керак, — деди Президентимиз. — Бу жараёнларнинг замирида инсоннинг соғлиги, ҳаёти мижасам эканлигини асло унутмаслигимиз лозим. Жарроҳлик соҳасини янада тараққий эттириш учун ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида кўлга киритилаётган улкан ютуқларни дунё ҳамжамиятига кенг намойиш этиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустақамлаш зарур.

Бундай марказларнинг ташкил этилиши, мавжудларнинг қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологиялар билан жиҳозланиши халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш, диагностика ва даволаш бораидаги юксак технологияларни ўзлаштириш ҳамда улардан амалда оқилона фойдаланиш имкониятини бераётди. Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётди — стационар ва амбулатор шариотда ҳар йили қарийб ўттиз беш минг беморга маслаҳат-ташхис ва даволаш хизмати кўрсатилаётган.

Марказнинг ўзида яратилган ишланмалар асосида мураккаб операциялар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, бу инсон ҳаёти учун муҳим органларни қайта тиклаш жарроҳлигига тааллуқлидир. Бу борада ўткир миокард инфаркти, буйрак томирларининг шикастланиши, қорин бўшлиғи, қўл-оёқ томир тизими касалликлари бўйича мураккаб операцияларни амалга ошириш услуби пухта ўзлаштирилган.

ИСТИҚДОЛИМИЗ ШАРОФАТИ БИЛАН БУНДАЙ МУҲТАШАМ ИНШОТЛАРНИ БУНЁД ЭТИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛДИК. БУ БАРЧАМИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ, ДЕДИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ. ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМИМИЗ — МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ҚУРИБ БИТКАЗИЛГАН, ИЛГАРИ ТАСАВВУР ҚИЛИШИМИЗ ҲАМ ҚИЙИН БЎЛГАН УШБУ ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ФУТБОЛ МАЖМУИ БАРЧАМИЗ УЧУН, БУТУН ХАЛҚИМИЗ УЧУН АЖОЙИБ БАЙРАМ СОВҒАСИ БЎЛДИ.

ди, микрожарроҳлик ва кардиожароҳлик хизматини ривожлантиришга эришилди. Операциялар юрак очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан ҳам амалга оширилмоқда. Марказ минтақамизда жигар широзини ва унинг асоратларини жарроҳлик йўли билан даволайдиган ягона клиникадир.

Ушбу марказнинг фаолияти Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар нечоғли юксак самара бераётганидан ёрқин далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Бунёдкор» футбол мажмуасидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаби фаолияти билан танишди.

Футболни ривожлантириш, ўзбек футболнинг ёрқин келажакини таъминловчи истеъодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида «Бунёдкор» футбол мажмуасида болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилди. Ушбу мактаб келажакда халқаро миқдорда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир, иқтидорли ва истиқболли футболчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олиши, ўз иқтидор ва маҳоратини ошириши учун барча шароитлар яратилган.

Мазкур мактаб ўқувчилари бошланғич, тайёрлов, тақомиллашув каби уч босқичда таҳсил олади. Болаларга тажрибали, профессионал мураббийлар таълим беради.

Мактаб мажмуаси ўқув-маъмурий корпус, ётоқхона, спорт зали, сув ҳавзаси, ошхона биноларини ўз ичига олган. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дам олиш хоналари, мажлис залли мавжуд.

Синф хоналари ўқув дастурлари, локал тизим ва интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳар бири 2 ўқувчига мўлжалланган ётоқхоналарда барча шарт-шароит мавжуд.

Мактабдаги сузиш хавзасини сувга тўлдириш, иситиш, филтрлаш, тўкиш тизимлари тўлиқ автоматлашган, замонавий юқори технология ускуналар билан таъминланган. Бу ерда тиббий бўлим ҳам мавжуд.

Президентимиз бу ерда таҳсил ола-

диган болалар ва ўсмирларнинг нафақат футбол бўйича маҳоратини оширишга, балки бошқа фанлар юзасидан ҳам билим ва кўникмаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди. Бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорликда ушбу мактаб учун махсус дастур тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган ушбу таълим даргоҳида яратилган кенг имкониятлар,

данийта, эзу қадриятларга эга халқимиз, деди давлатимиз раҳбари. Халқимизнинг ана шундай гўзал фазилатлари мана бундай стадионларда ўтказилган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак. Ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишидан қатъи назар унда Ўзро хурмат, юксак маданият бўлиши даркор. Бу борада Ўзбекистон футбол федерацияси, футбол клубларимиз раҳбарлари, мутахас-

сислар футбол мухлислари ўртасида кенг тушултириш ишларини олиб бориши лозим. Бир сўз билан айтганда, юртимизда мухлислик маданиятини ҳам энг юқори даражага кўтаришимиз даркор.

«Бунёдкор» стадиониди спортчилар ва мухлислар учун яратилган шароит ва қўлайликлар энг замонавий талабларга жавоб беради. Хусусан, биринчи қаватда спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, футбол маъмурилари учун мўлжалланган хоналар, ошхоналар, матбуот анжуманлари зали, футбол клуби музейи мавжуд. Стадионнинг иккинчи қаватида учта ресторан, фитнес маркази барпо этилган.

«Бунёдкор» стадионининг муҳандислик таъминотида алоҳида эътибор билан ёндашилган. 11х7,5 метр ўлчамдаги иккита видео-табло мухлисларга футбол учрашувлари ҳар томонлама кўриш имкониятини беради. Ёритиш ускуналари ФИФА талабларига тўла соҳа келади. Бу ерда таширф буюрган мухлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини берадиган замонавий аудиосистема, рекламаларни намойиш қилиш учун футбол майдони четиди видеоборд мосламалари ўрнатилган. Мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатувчи теле ва радиотрансляция тизими, шарҳловчилар хонаси халқаро стандартлар даражасида.

Исло Каримов стадионда бир гуруҳ ёш футболчилар билан суҳбатлашди. Уларнинг орзу-интилишлари билан қизиқди, уларга ўз совғаларини тақдим этди.

Истиқдолимиз шарофати билан бундай муҳташам иншоотларни бунёд этиш имкониятига эга бўлди. Бу барчамизни қувонтиради, деди давлатимиз раҳбари. Энг улғу, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилган, илгари тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган ушбу янги замонавий футбол мажмуи барчамиз учун, бутун халқимиз учун аjoyиб байрам совғаси бўлди.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ҳаётимиздаги ифодаси бўлган бундай кенг миқёсдаги қурилиш ишлари, спортни ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган бу каби иншоотлар баркамол авлодини тарбиялаш, эл-юртимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши бораида халқимиз буюк бунёдкорлик салоҳиятининг ҳам яққол намоёнлидир.

Биз жаҳон цивилизациясига беҳиёс ҳисса қўшган улғу мутафаккир ва алломаларнинг авлодларимиз, бой ма-

турини амалга оширишга қаратилган қонунларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ҳужалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик учун жа-вобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жа-

вобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Мардик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги, шунингдек, бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Ноҳира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА,
Олим ТўРАҚУЛОВ, Ўза мухбирлари

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Хитой билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан кейин ўтган 20 йил давомида икки томонлама муносабатлар соғлом ва барқарор тарзда изчил ривожланиб бормоқда. Ҳар иккала томон сиёсий соҳада бир-бирга ишонч билан қарайди, иқтисодийда ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттирмоқда, хавфсизлик соҳасида мустақам алоқаларни сақлаб қолмоқда ва халқаро ҳамда минтақавий масалаларда ўзаро мадал ва ёрдам кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг июнь ойида Сиз, Жаноби Олийларининг Хитойга гоғда муваффақиятли ташрифингиз амалга оширилди, Сиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг йиғилишида ҳам иштирок этдингиз.

Ташриф давомида биз Хитой билан Ўзбекистон ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма Декларацияни имзоладик, бу эса икки томонлама муносабатларнинг юқори поғонага кўтарилишини таъминлади, уни янги ривожланиш босқичига олиб чиқди ва тараққийнинг яна ҳам кенгрок истиқболларини очди. Мен Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантириш борасида Сиз, Жаноби Олийлар билан биргаликда сый-ҳаракат қилишга тайёрман, бу шериклик иккала давлат ва халқларнинг манфаатлари йўлида тўлақонли ва бой мазмунга эга бўлади.

Ўзбекистонга куч-қудрат ва раванқ, унинг халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ тилайман ва энг эзу истакларимни изҳор қиламан.

Ху Цзиньтао,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!
1 сентябрь — Мустақиллик кунини муносабати билан мен Ўзбекистон халқини Америка Қўшма Штатлари халқи ва шаҳсан ўз номидан муносабатқобл этаман.

Мамлакатларимиз ўзаро муносабатларимизни мустақамлаш йўлида муҳим қадамлар қўйди ва ишончим комилки, бизнинг ўзаро ҳурмат ҳамда эзу ниёт ва интилишларимизга асосланган шериклигимиз бундан буён ҳам ўсиб, ривожланиб бораверади.

Сизга ва Ўзбекистон фуқароларига байрамни шод-хуррамлик билан ўтказишининг тилайман.

Эҳтиром ила,
Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз қутловларини йўллашган:

Корея Республикаси Президенти	Ли Мён Бак
Германия Федератив Республикаси Президенти	Йоахим Гаук
Болгария Республикаси Президенти	Росен Плевнелиев
Саудия Арабистони Подшоҳи, Икки муқаддас масжид ходими	Абдулла бин Абдулазиз Ол Сауд
Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, Мудофаа вазири	Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд
Украина Президенти	Виктор Янукович
Туркменистон Президенти	Гурбангули Бердимухамедов
Исло тараққий банки президенти	Аҳмад Муҳаммад Али

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялли мажлисида йигирма тўртта масала қўриб чиқирилиши мўлжалланмоқда, уларнинг 9 таси қонунлардир.

Ялли мажлисида қўриб чиқиладиган, давлат ташқи сиёсатининг фундаментал принципларини ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ҳамда вазифаларини, Ўзбекистоннинг ўрта ва улғу мuddлатли истиқболга мўлжалланган манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашларнинг ахлит тизимини назарда тутадиган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи

сиёсий фаолияти концепциясини таъкидлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажак ялли мажлисида муҳокама қилинадиган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дас-


турини амалга оширишга қаратилган қонунларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ҳужалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик учун жа-вобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жа-

вобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Мардик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги, шунингдек, бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати



Мустақиллик ва миллий парламентаризм

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Иккинчи босқич бир палатали парламент фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бу даврда Олий Мажлиснинг доимийлик ва самардорлик хусусияти унинг кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари, шунингдек, доимий асосда ишловчи депутатлари томонидан таъминланди. Бу ўзбек парламентаризми тарихидаги жуда муҳим давр бўлиб, давлатнинг қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи олий вакиллик органи ишнинг юқори даражага кўтаришга доир эҳтиёж ва имкониятларни юзага чиқарди. Бундан ташқари, у қонунчилик соҳасида мураккаб тузилмага ва янада кучли конституциявий ҳокимиятга эга бўлган профессионал парламентга босқичма-босқич ўтирилиши тўғрисида йўл эканлиги амалда тасдиқланди.

Бу вақт оралиғида парламентаризм маданиятини янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар шакллантирилгани, профессионал депутатлар корпуси вужудга келганини таъкидлаш жоиз. Кейинчалик парламент фаолиятининг янада такомиллаштирилиши ва унга қўшимча ваколатлар берилиши Олий Мажлиснинг икки палатали парламентга айлантириш эҳтиёжини юзага келтирди. Ушбу заруратнинг асосий омиллари парламентни қонунчилик жараёнини тўлиқ профессионаллаштириш орқали кучайтириш, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш билан боғлиқ эди.

Бу йил бор 2000 йилнинг 25 майда — иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида илгари сурилган бўлса, 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдумда овозга қўйилди. Мазкур сиёсий тадбирда иштирок этган фуқароларнинг 93,65 фоизи икки палатали парламентни ёқлаб овоз бердилар. Референдум яқунлари ва шу асосда қабул қилинган қонунларга кўра, Ўзбекистон Конституцияси ҳам ўзгаришлар киритилди.

Мана, саккиз йилдирки, мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати самарали иш олиб бормоқда. Палата ва Сенат ўртасида ўзаро мутаносиблик



ФУҚАРОЛАРНИНГ 93,65 ФОИЗИ ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТНИ ЁҚЛАБ ОВОЗ БЕРДИЛАР. РЕФЕРЕНДУМ ЯҚУНЛАРИ ВА ШУ АСОСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАРГА КЎРА, ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА ХАМ ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ.

ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратилгани аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги иштироки кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Амалга оширилган ана шундай ўзгаришлар туфайли сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис олдига турган вазибаларни ҳал этишдаги роли сезиларли даражада ошди, фракциялараро рақобат муҳити юзага келди. Хусусан, «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун кучга киргач, партия фракциялари раҳбарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимини эгаллашга доир кафолатли ҳуқуқ жорий этилди. Умуман олганда, парламент ислоҳоти бутун кўппартиявийликни ривож-

лантиришга жиддий таъсир кўрсатиш баробарида аҳолининг сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этишида ўзига хос рағбатлантирувчи омил бўлиб ҳам хизмат қилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, ана шу давр парламентнинг қонунчилик фаолиятини кескин ривожлантириш даври бўлди, дейиш мумкин.

Икки палатали тизимга ўтирилиш парламент назоратини ҳам юқори босқичга олиб чиққанини таъкидлаш жоиз. Палата ва унинг қўмиталари мажлисларида ҳуқуқат вакиллари ҳамда давлат бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ўз фаолиятининг турли масалаларга доир ахборотларини ешитиш, жойларда қонунлар ижроси бўйича назорат-таҳлил яқунларини муҳокама қилиш амалиёти ҳам илҳомий натижалар бераётми.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимиз-

да демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазибаларни ҳаётга изчил таъбиқ этиш биз — қонун ижодкорларидан юксак ташаббускорликни, фаолиятимиз самардорлигини ҳамда парламент назоратининг таъсирчанлигини оширишни талаб этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Концепцияда белгиланган вазибаларни ижро этиш ва бутунли кун талабидан келиб чиқиб, депутатлар олдига турган долзарб вазибалар ҳақида ҳам тўхталмиш ўринлидир. Энг аввало, ўз фаолиятимизни миллий тараққиётимизда парламентнинг қай даражада ўрин эгаллаши лозимлигини ҳис этган ҳолда ташкил этишимиз лозимлигини тезкор давр талаб қилмоқда. Шундай экан, парламент назоратини кучайтириш, қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятимизни янги босқичга кўтариш, айниқса, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ҳаётимизда аниқ ва тўғри қўлланилиши самардорлигини ўрганиш, амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш масалалари бўйича пухта ишланган тақлифлар тайёрлаб, қонун ташаббускорлиги соҳасида фаоллик кўрсатиш депутатлар зиммасидаги бирламчи вазибалардандир.

Бу, ўз навбатида, кўплаб янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш, фермерларнинг капиталлашув даражаси яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Соҳада эришилаётган ютуқларни таҳлил қилган экспертларнинг фикрича, капиталлашув даражаси ошгани сари янги янги имконият эшикларини очилаяпти. Ҳозирги замон фермери — сиёсий жиҳатдан етук, замонавий фикрлайдиган, аҳоли эҳтиёжларини яқиндан биладиган иш бевуви сифатида шаклланиган ислоҳотларнинг энг муҳим натижасидир. Бутун фермер ўзининг хусусий мулкчи орқали нафақат ўз ҳужжатини ривожлантиришга, балки қишлоқда ташкил этилаётган оилавий корхоналарга ҳам гаров кафолати беришга қодир бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол йилларида мамлакатимизда қонунчиликни такомиллаштириш борасида олиб борилган изчил ва оқилона сиёсат аҳолининг барча қатламига нафақат ва фаровонлик келтирмоқда. Чунки хусусий мулкчиликка таянган ҳар қандай фаолият негизда, аввало, манфаат эгадир. Манфаат эса нафақат мулкдорнинг ўзига, аввало, унинг оиласига, яқинларига ва пировардида бутун жамият тараққиётига хизмат қилади.

Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

Истиқлол тенгдошлари

Мен — йигирма бир ёшдаман!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада



Мамюра ЁҚУБОВА, 1991 йили Жиззах вилоятида туғилган. Ўзбекистон жаҳон тиллари университети талабаси.

— «Мамлакатимизнинг эртанги кунини, миллатимиз тақдирини доно ва билимдон, ўз шаъни ва қадр-қимматини англаб етadиган баркамол авлод тарбиясига боғлиқ».

Юртбошимизнинг ана шу давлатларини мен ўзимга ҳаётим шир қилиб олганман. Бу давлат аини пайтда бизга жуда катта ишонч билдириляётганини ҳам англалади. Бундай гамхўрликка нисбатан муносиб жавоб қайтаришимиз, яъни танлаган касбимиз бўйича етук мутахассис бўлиб етишимиз, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган

ҳолда иқтидор ва салоҳиятимизни намоён этишимиз керак.

Магрибу машриқда тан олинган ўзбек шеърини бўстонида эндигина қадам қўётган ёш шоира сифатида мустақиллик тенгдоши эканимдан ҳар доим фахрлилик юрمان. Шунинг учун ҳам истиқлол моҳияти ва аҳамияти хусусидаги фикрларимни мисраларга кўчиришга ҳаракат қиламан. Ана шу интилиш ҳаёт йўлини ҳам белгилади, деса бўлади. 2009 йили Президентимиз фармонига кўра, адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номлиги давлат мукофоти соҳиби бўлдим.

Бу юксак мукофот мисоли қанот бағишлагандай бўлди менга. «Кўк дала», «Қадргулим» ва «Олтин олма» каби тўпламларим нашрдан чиқди. Натигада «Келажак овози» кўрик-танловининг республика босқичи гoлиби бўлдим. Ўтган йили «Камолот» ЁИХ томонидан ташкил этилган «Мен йигирма ёшдаман» лойиҳасида иштирок этиш баробарида ҳақиқатан ҳам истиқлол меннинг бахтим ва тақдирим эканини янада чуқурроқ англаб етдим.



Абдулазиз МҮМИНОВ, 1991 йили Наманган вилоятида туғилган. Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаси.

— Давлат ва жамият манфаатини устун қўйиш, етарли билимга эга бўлиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш орқали Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш — истиқлол тенгдоши сифатидаги асосий вазифам, деб ҳисоблайман. Чунки Ўзбекистонда ёшлар учун ҳамма шароитлар яратилган. Ана шундай имконият ва қўлайликлардан фойдаланиш ҳам қарз, ҳам фарз, албатта.

Бугун ёшларни тadbиркорликка жалб этишга катта эътибор берилмоқда. Бу борда амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар айнан биз, ёшларга мўлжалланаяпти. Масалан, «Камолот» ЁИХ, Савдо-саноат палатаси ҳамда «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёш тadbиркор — юртга маддор» лойиҳасида фаол иштирок этиб, 24 миллион сўмлик имтиёзли кредит олдим. Сўни қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Камолот-Азизбек» масъулияти чекланган

жамиятини очдим. Энг муҳими, бу ерда яна тўрт нафар тенгдошим доимий иш билан таъминланди.

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ — ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШИ СИФАТИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙМАН. ЧУНКИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР УЧУН ҲАММА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН. АНА ШУНДАЙ ИМКОНИЯТ ВА ҚЎЛАЙЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ, АЛБАТТА.

Мустақиллик нафақат тadbиркорлик билан шуғулланиш, балки халқаро анжуманларда ҳам қатнашиш имкониятини яратиб берди. Бу эса сиёсий ва иқтисодий билимларимизни янада мустаҳкамлашга кўл келмоқда. Хусусан, 2010 йил БМТ томонидан ўтказилган халқаро «Бизнес-форум»да ўз маърузам билан қатнашиб, махсус сертификат билан тақдирландим. Бу, шубҳасиз, минг-минглаб тенгдошларимга яратиб берилаётган қўлай шароитлар, гамхўрликлар натижасидир.



Сайра САИДОВА, 1991 йили Тошкент вилоятида туғилган. Тошкент ислом университети магистри.

— Ёшлиқда олинган билимни тошга уйилган битик, дейишади. Аммо ахборот асри бўлган XXI асрда замонавий ахборот-технологиялардан фойдаланиш баробарида китобга ижобий муносабатни ҳам сақлаб қолишимиз зарур, деб ҳисоблайман. Мана, масалан, яқинда илмий ишим учун маълумотлар тўплаш жараёнида Президентимизнинг мустақилликнинг дастлабки қунларида айтган самимий сўзларини ўқиб қолдим: «Оллоҳ умр берса, мустақиллик кунинда туғилган болаларнинг ҳаётга қадам қўйиб, давлат ва жамоат ишларида иштирок этаётганини кўрсам, армоним қолмасди».

Агар ана шу сўзлар моҳиятига чуқурроқ

эътибор қаратсак, Президентимиз бизларга ҳали жажжигина қарақоқ пайтимиздаёқ катта умид билан қараганларини кўраимиз. «Глобаллашув шароитида диний қадриятларнинг ўрни» мавзуда тадқиқот олиб бораётган бўлажак олим сифатида шунини англаб етдимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади бутунли нафқарон авлод учун фаровон келажак яратишга қаратилган.

Ҳар йили бир ёшга улғаяр эканман, мустақилликимиз билан бирга улғайганимдан фахрланаман. Лекин истиқлолга тенгдош бўлиш шунчаки шарафли ном эмас, аксинча, бу жуда катта масъулият, деб ҳисоблайман. Демак, биз бошқаларга ўрнатиб қўйишимиз, бир қадам олдинда юришимиз керак. Шунинг учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг университетдаги етакчиси сифатида жамоат ишларида фаол қатнашишни, мустақилликни мустаҳкамлаш ва Ватан тараққиёти учун жон куйдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Шўҳрат РАҲИМОВ
(«XXI asr» мухбири) ёзиб олди



Орип ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

— Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик парламентга том маънодаги қонунчилик ҳокимиятига — Олий Мажлисга айланиш имконини берди.

Маълумки, парламентнинг ўтган даврдаги асосий вазибаларидан бири бу — қонун ижодкорлиги жараёнини сифат жиҳатдан жиддий ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат бўлди. Бу борда, энг аввало, ҳар бир соҳа ва йўналишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мисол учун, ислоҳотлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ривожлангани, фермерлик ҳаракатининг омивий тус олгани ҳам бунга етарли ҳуқуқий асос ва ташкилий шарт-шароит яратилгани натижасидир. Бугун мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган фуқаролар мамлакатдаги иш билан банд

бўлган аҳолининг 75 фоиздан ортигини ташкил этаётгани ҳам ана шу жараёнинг ижобий самарасини кўрсатади, албатта.

Тadbиркорликка ҳуқуқий жиҳатдан кенг йўл очиб берилганини O'zLiDeP электорати саналмиш мулкдорлар ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг молиявий-ҳужжат фаолиятига аралашувларни кескин камайитириш, уларни ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараёнларини янада соддалаштириш мақсадида «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавоб-

гарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу соҳа давлатимизнинг доимий эътиборида турганини кўрсатади.

Тadbиркорлик ривожини учун яратилаётган қўлай шароитлар Давлат дастурларида ҳам ўз аксини топаётти. Жумладан, Инқирозга қарши чоралар дастури, Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари, мамлакатда саноат, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қуриш, хизмат кўрсатиш, касаначилик, хунармандчилик, қишлоқ ҳўжалиги инфратузилмаларини ривожлантиришга қаратилган ўнлаб муҳим ҳужжатлар шулар жумладандир.

Айни пайтда бошқа соҳалар қатори қишлоқ ҳўжалиги ҳам жадал ривожланаётганини таъкидлаш мумкин эмас. Ушбу тармоқнинг ҳуқуқий асослари тобора такомиллаштириляётгани на тижасида фермер ҳўжалиқлари қишлоқда ҳал қилувчи кучга айланди. Бутунли фермерлар нафақат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уларни сақлаш ва қайта ишлашга ҳам эътибор қаратиб, замонавий корхоналар барпо эт-

моқдалар. Бу, ўз навбатида, кўплаб янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш, фермерларнинг капиталлашув даражаси яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Соҳада эришилаётган ютуқларни таҳлил қилган экспертларнинг фикрича, капиталлашув даражаси ошгани сари янги янги имконият эшикларини очилаяпти. Ҳозирги замон фермери — сиёсий жиҳатдан етук, замонавий фикрлайдиган, аҳоли эҳтиёжларини яқиндан биладиган иш бевуви сифатида шаклланиган ислоҳотларнинг энг муҳим натижасидир. Бутун фермер ўзининг хусусий мулкчи орқали нафақат ўз ҳужжатини ривожлантиришга, балки қишлоқда ташкил этилаётган оилавий корхоналарга ҳам гаров кафолати беришга қодир бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол йилларида мамлакатимизда қонунчиликни такомиллаштириш борасида олиб борилган изчил ва оқилона сиёсат аҳолининг барча қатламига нафақат ва фаровонлик келтирмоқда. Чунки хусусий мулкчиликка таянган ҳар қандай фаолият негизда, аввало, манфаат эгадир. Манфаат эса нафақат мулкдорнинг ўзига, аввало, унинг оиласига, яқинларига ва пировардида бутун жамият тараққиётига хизмат қилади.

ФАРҒОНА:

Кичик бизнесга — катта имконият

«Мустақкам оила йили»нинг ўтган олти ойида Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томонидан 179,5 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди. Энг муҳими, ана шу кредитлар ҳисобига 6,7 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди

Ўз мухбиримиз

Истиқлол йилларида изчил ривожланаётган, бунёдкорлик ишлари билан тилга тушган вилоятдаги ислохотлар ҳар бир фуқаро ҳаётида ўз аксини топмоқда, десак муболаға бўлмайдими. Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, энг чекка ҳудудларда ҳам саноат соҳасини ривожлантириш, рақобат муҳитида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилгани натижасида вилоятда ўсиш ва ўзгаришлар юз бермоқда.

Бу жараёнда эса иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган молиявий институтлар фаолияти алоҳида ўрин тутаётди.

Хусусан, 2012 йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини молиялаштиришга 266,1 млрд. сўм миқдоридан, аёллар тадбиркорлигига эса 22,4 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди. Мутахассислар ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришга 19,4 млрд. сўм, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга эса 5,6 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратишнинг прогноз-курсаткичлари ишлаб чиқилганини таъкидлаш мумкин.

Шунингдек, ажратилган микрокредитлар миқдори 46 млрд. 840 млн. сўмни ташкил этиб, унинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,4 баробарга ошди.

Шу ўринда озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга 38,2 млрд., ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасига 39,7 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 14 млрд. 271 млн. сўм миқдоридан маблағ ажратилган. Бундан ташқари, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 13 млрд. 365 млн., оилавий тадбиркорлик ва хўнарандчиликни ривожлантиришга эса 5,3 млрд. сўм маблағлар ажратилган. Шунингдек, тижорат банклари томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга 12,5 млрд. сўм кредит ажратилган.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга 2 млрд. 459 млн. сўм ажратилгани эса вилоятда тадбиркорларнинг янги авлоди шаклланиётганидан далолат беради.

Айни пайтда Марказий банк ташаббуси билан тижорат банклари мутахассислари иштирокида ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежлари, ҚФЙ ва МФЙлардаги битирувчилар ва фуқароларни банк хизматларидан хабардор қилиш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида ҳам режалар тадбирлар ўтказилмоқда. Марказий банкнинг Фарғона вилоят бош бошқармаси ташаббуси билан эса барча туманларда битирувчиларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари амалий ёрдам бериш учун 200 дан ортиқ учрашув ва семинар ўтказилди.

Шу ўринда 144 та касб-ҳунар коллежларининг мингдан зиёд битирувчилари тижорат банклари томонидан алоҳида назоратга олиниб, улар учун банк хизматлари бўйича бепул консалтинг хизмати кўрсатиш, имтиёзли шартлар асосида уларга бошланғич сармаж аратиш белгиланганини тилга олиш мумкин.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш борасида тижорат банклари халқаро молия институтлари билан ҳам ҳамкорлик қилмоқдалар. 2012 йилда кўрилган чоратадбирлар натижасида халқаро молия институтларининг 7,3 млн. АҚШ долларининг қўллаб-қувватлаш кредит линиялари жалб этилди.

Хусусан, ТИФ «Миллий банк» томонидан «Хадра» МЧЖга замонавий ишт ишлаб чиқариш линияси учун 118,9 минг АҚШ доллари ҳамда «Асуру Руд» МЧЖга замонавий кондитер маҳсулотлари

ишлаб чиқарувчи линия харид қилиш учун Хитой Тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 301,3 минг АҚШ доллари ажратилди.

Бундан ташқари, ОАТ «Саноатқурилишбанк» томонидан «Фарғона Темури али инвест» МЧЖга автомобилларга қисилган газ қуйиш шохбачаси учун зарур ускуналар сотиб олишга Хусусий Секторни Ривожлантириш Ислоҳ Корпорацияси маблағи ҳисобидан 330 минг АҚШ доллари йўналтирилди. Шунингдек, мазкур банк томонидан «Тошлоқ водий нон баракаси» МЧЖга Германияда

2012 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА 266,1 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА, АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИГА ЭСА 22,4 МЛРД. СЎМЛИК КРЕДИТЛАР ЙЎНАЛТИРИЛДИ.

ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар учун халқаро тараққиёт ассоциацияси маблағлари ҳисобидан 162,5 минг АҚШ доллари миқдоридан кредит берилди.

Бугун вилоятда қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш билан боғлиқ ҳудудий дастурлар таркиби ҳамда мазкур дастурдан ташқари лойиҳаларни устувор равишда молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, етти ҳазинанинг бири саналган паррандчиликни ривожлантириш учун 3,1 млрд. сўм, чорвачиликка 9,0 млрд., бадиқчилик фаолиятига 435 млн. сўм, асаларчилик учун эса 284 млн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

Маълумки, XXI асрда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ниҳоятда долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётти. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш учун тижорат банклари томонидан 4 млрд. 164 млн. сўм кредит ажратилганини таъкидлаш жоиз. Шундан 1 млрд. 884 млн. сўми уруғлик ва қўчқарлар харид қилишга йўналтирилган бўлса, 1 823 та хонадонда 36,5 га. майдонда иссиқхона ташкил этиш учун 2 млрд. 280 млн. сўм кредит берилди.

Бундан ташқари, вилоятда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хонадонларда саноат усулида парранда боқини ташкил этиш учун 1066 та хонадонга 2 109 млн. сўм, аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил этиш учун эса 2313 та хонадонга 4287,7 млн. сўм кредит ажратилди.

Шу ўринда Марказий банк томонидан сиёсий партиялар билан ҳамкорликда ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилаётганини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, республика Марказий банки, тижорат банклари ҳамда вилоят ҳўқимлиги ташаббуси билан «Тадбиркорлик — мустақкам оила пойдевори» мавзусида бизнес-форум ўтказилиб, унда 400 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари, касб-ҳунар коллежи битирувчилари, ёш оилалар, тадбиркор аёллар иштирок этишди. Энг намунавий бизнес-лойиҳалари билан қатнашган 85 нафар тадбиркорга 7,8 млрд. сўмга тенг бўлган имтиёзли кредитлар учун йўлланма-сертификат-



лар ҳамда қимматбаҳо совғалар топирилди.

Ўрта синф вакиллари манфаатини ҳимоя қилаётган O'zLiDeP билан эса таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, жойларда томорқа ва деҳқон ҳўжалиқлари асосланган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида «Диплом билан — бизнесга», «Мулкдор оила», «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оила» каби йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Маълумки, бозор шароитида ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларида сотиш бўйича Республика комиссиясининг» 2012 йил 7 февралдаги 1-сонли йиғилиш баёни билан тижорат банклари зиммасига ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш вазифаси юклатилган эди.

Ана шу масала ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳўқимлиги, Марказий банк, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш, Давлат мулкни бошқариш ҳудудий бошқармаси, тижорат банклари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, иқтисодий ночор, кам қувватли ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастури ишлаб чиқилди.

Ишчи гуруҳ томонидан 70 та корхона молиявий соғломлаштириш, ривожлантириш, модернизациялаш ва молиявий қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурга киритилди.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун банклар томонидан жами 143,1 млрд. сўм миллий валютада ҳамда 2,4 млн. АҚШ доллари миқдоридан хорижий валютада кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган.

Бугунгача тижорат банклари томонидан жами 151,0 млрд. сўмлик (111,3 млрд. сўмлик ҳамда 22,5 млн. АҚШ доллари қийматида) 57 та лойиҳа молиялаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, Фарғона вилоятида фаолият олиб бораётган 15 та тижорат банкининг бизнес-лойиҳалари билан қатнашган 85 нафар тадбиркорга 7,8 млрд. сўмга тенг бўлган имтиёзли кредитлар учун йўлланма-сертификат-

моқда. Ана шу жараёнда банклар даромади 1 июль ҳолатига 84,0 млрд. сўмни ташкил этди. Соф фойда эса 8,7 млрд. сўмга тенг бўлди. Ҳисобот даврида олинган даромадлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 43 фоизга кўпайиб, рентабельлик даражаси 11 фоизни ташкил қилганини соҳа мутахассислари алоҳида таъкидламоқдалар.

Айни шу даврда депозитлар ҳажми 486,9 млрд. сўмни ташкил этиб, аҳоли омонатларининг кредит ташкилотлардаги қолдиги 192,2 млрд. сўмдан ортгани, бу курсаткич ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан 31 фоизга ўсгани фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончидан далолат беради.

Аҳоли ва ҳўжалик субъектлари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида банклар томонидан 2012 йил 1 август ҳолатига 858,8 мингдан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, йил бошига нисбатан 10,6 минг донага, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,7 минг донага кўп пластик карточкалар тарқатилди. Январий бошқариш довомида ойлик иш ҳақи лойиҳаси доирасидаги корхона ва ташкилотлар томонидан пластик карточкалар ҳисоб рақамига 451,2 млрд. сўм маблағ ўтказилди.

2012 йил январь-июль ойида терминлар орқали амалга оширилган трансакциялар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоизга кўпайиб, 617,4 млрд. сўмни ташкил этди. Мазкур маблағларнинг 415 млрд. сўми ёки 67,2 фоизи савдо нуқталарида амалга оширилган.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан вилоятда 84 дона ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ускунаси — инфокиосклар ўрнатилиб, улар сони ҳам йил бошига нисбатан 40 донага кўпайган. Инфокиосклар дам олиш кунлари ҳам ишлашини инноватга олиб, тижорат банкларида ташқари аҳоли гавжум ҳамда қўлай жойларга ўрна-тилди. Инфокиосклар орқали нафақат пластик карточкаларга маблағларни юклаш, балки уяли алоқа компанияларига маблағ ўтказиш ва коммунал тўловлар тўлаш имконияти ҳам яратилди. Аҳоли учун қўлайлик яратиш мақсадида мазкур инфокиосклар бозорлар ҳудудига, тиббиёт бирилшмаларига, йирик ташкилотлар ва савдо мажмуаларига жойлаштирилди.

«Аёллар қаноти»

Истиқболли соҳага — истиқболли лойиҳалар

Истиқлол йиллари бошқа соҳалар қатори сайёҳликни ривожлантиришга ҳам давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани соҳани иқтисодиётнинг юқори даромад келтирувчи йирик тармоқлардан бирига айлантирди

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

Бу эса шарқона меҳмондўстлик ананалари билан гарбона хизмат кўрсатиш стандартларини ўзида мужассам этган миллий туризм моделини шакллантириш имконини берди. Ўзбекистоннинг қўлай географик ҳудудда, қадимий Буюк Ипак йўлида жойлашгани, мамлакатда 4000 дан зиёд ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар борлиги сайёҳлар оқимини ҳам кенгайтирмоқда. Айни кунда бу бозорда 850 та ташкилот ва 359 та меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда.

O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан ҳамкорликда Зомин туманида ўтказган навбатдаги форумида ҳам туризмин ривожлантириш истиқболлари атрофида муҳокама этилди.

Маълумки, Туркистон тоғ тизмаси бағрида жойлашган Зомин ўзига хос мусаффо ҳавоси, бетакрор флора ва фаунаси, арчазорларини қадимий ёдгорликлари билан азалдан сайёҳларни ўзига жалб этиб келган. Денгиз сатҳидан 4000 метр баланликда жойлашган тоғларнинг ноёб экотизми милоддан аввалги V асрда яшаган юнон тарихчиси Геродотнинг беш бобдан иборат «Тарих» асарида ҳам алоҳида тилга олингани бежиз эмас. Бугун Зомин халқ боғи ва Зомин давлат қўриқхонасида 700 дан ортиқ ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг 150 дан ортиқ турлари мавжуд. Экзотик табиати, хилма-хил ландшафти, бетакрор шаршара ва 700 ёшли Бобоёнғоқ ёдгорлигига эга мазкур маскан ҳам ҳар қандай инсонни ўзига ром этиши шубҳасиз.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ва «Аёллар қаноти» томонидан ишлаб чиқилган «Зомин туманида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш» дастури муҳокамасида асосий эътибор туризмнинг бугунги ҳолати, соҳани ривожлантириш истиқболлари ва қўллаб-қувватлаш амалий натижаларга қаратилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда, айниқса, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш орқали маҳалла тадбиркорлик марказига айлантириш масалаларига алоҳида ургу берилган.

Истиқлол йиллари туризмин ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди O'zLiDeP Сийёсат Ижроия қўмитаси раиси уринбосари Муҳлисас Акрамова. — Албатта, кенг қўламли ислохотлар натижасида соҳа инфратузилмаси изчил ривожланди. Сервис ва хизмат кўрсатишга ҳам янги йўналишлар жорий этилиб, улар аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қила бошладилар. Шунинг учун ҳам «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган бугунги мулоқотимиз ҳам хотин-қизларни бизнесга жалб этиш, мутахассислар қўмағидаги ўқув-тренинглари йўлга қўйиш орқали халқаро андозаларга асосланган туризм ва сервис соҳасида фаолият кўрсатаётган аёл-тадбиркорлар санини кенгайтиришга қаратилган.

Давра сўхбати иштирокчиларининг фикрича, «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» сингари лойиҳаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка бўлган қизиқишлари ортатишга ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, «Аёллар қаноти»нинг биргина «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасида йил бошидан бери 150 дан зиёд тадбирлар уюштирилди.

— Бундай тадбирларни туризм салоҳияти юқори бўлган бошқа ҳудудлар-

да ҳам ўтказиш режасини ишлаб чиқдик, — дейди O'zLiDeP «Аёллар қаноти» бўлими ходими Нилуфар Хотамова. — Сабаби, соҳани ривожлантириш мамлакат рақобатбардошлигини оширишнинг бир неча вазифаларини бир йўла ҳал қилиш имконини беради. Авваламбор, бу — янги иш ўринлари яратиш демекдир.

Анжуманда қайд этилганидек, туризм дунё бизнесининг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Унинг кенг қамровли ривожини қўллаб-қувватлаш учун катта даромад манбаига айлантириш мумкин. Миср, Италия каби давлатларда эса у миллий бюджетнинг асосий қисmini ташкил этади.

Маълумки, Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари юртимиз бағридаги дунё туризмнинг йирик объектлари сифатида машҳур. Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш эса мазкур соҳа ривожини ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси Халқаро алоқалар ва инвестициялар бошқармаси бошлиғи Алишер Жалиловнинг таъкидлашича, халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир нафар сайёҳга 3 та иш ўрни тўғри келиб, туристик бизнесга ўртача 1,5 минг АҚШ доллари миқдоридан даромад келтиради. Шу нуқтани назардан қараганда, O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг Зомин туманидаги ташаббуси ҳудудда сайёҳлик соҳасига турдош бўлган бошқа жабҳаларни ҳам ривожлантиришга ҳисса қўлади.

O'zLiDeP Сийёсат Ижроия қўмитаси ва партия фракцияси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноат, хизмат кўрсатишдаги улушини оширишга қаратилган қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди, — дейди халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши депутати, Сенатор Холда Алимова. — Ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири «Зомин туманида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш» дастури бўлиб, ундан қўзланган асосий мақсад ҳудудда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида иш ўринларини 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошириш, шунингдек, қарийб 600 та янги иш ўрни яратишдан иборатдир.

— Мен Курама ва Чотқол тоғлар бағридаги Беш қўл қишлоғида яшайман. Зоминда гуё ўзим ўсган тоғлар тафтини ҳис қилгандек бўлдим, — дейди «Эртосхойсервис» хусусий корхонаси раҳбари Ҳабива Минглиева. — Чотқол тоғ тизмасининг энг юқорисидан маданий иссиқ сув чиқади. Мутахассисларнинг фикрича, у шифобахш хусусиятга эга. Шу сабабли келиб-кетувчилар сони ҳам кўп. Мен шу ерда сервис соҳасини ривожлантириб, замонавий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган меҳмонхона қуришни режалаштирганман. Бугунги анжуман менга кўпдан буён амалга оширишни режалаштириб юрган лойиҳамни асосли равишда ишлаб чиқиш имконини берди.

Хусусий тадбиркор Лола Санаева эса мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Бу юртимиз аҳолиси учун қўшимча даромад манбаи бўлиш билан бирга уларнинг табиатга бўлган муносабатини ҳам тубдан ўзгартиради. O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг бугунги ташаббуси нафақат Зоминда, балки юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам соҳа ривожини учун асос бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Аёллар қаноти»нинг жуда катта аудитория ва соҳа мутасаддилари эътиборини ягона мақсадга қарата олган навбатдаги ташаббуси ҳам партия электорати манфаатида хизмат қилиши билан бошқа тадбирлардан ажралиб турди.

«ШЎРТАННЕФТГАЗ»

унитар шўъба корхонаси жамоаси

*барга юрпдошларимизни
энг улуг ва энг азиз байрам —
ИСПИЖЛОЛИМИЗНИНГ*

21 ЙИЛЛИГИ




билан самимий муборакбод этади.

Хонадонингиздан шинълик-пошувлик,




дастурхонингиздан

хел қалон шўкин-соғинлик

аримасин, азизлар!






**Жаннатмакон
диёримизга
кўз тегмасин!
Мустақиллигимиз
абადий бўлсин!**



«СУРХОНДАРЁ ПАХТАСАНОАТСОТИШ» ЖАМИЯТИ

барча
юртдошларимизни буюк
**ИСТИҚЛОЛНИНГ
21 йиллиги**
билан қизғин
муборакбод этади.
Мустақилликни
мустаҳкамлаш йўлидаги
яратувчанлик меҳнатингизга
барака тилаймиз.

Истиқлол қуёши
жонажон ўлкамиз узра
ҳамиша порлайверсин!



«НАМАНГАНПАХТАСАНОАТ» акциядорлик бирлашмаси жамоаси

она Ватанимиз ободлиги, иқтисодиётимиз
барқарорлиги, турмушимиз фаровонлиги
йўлида самарали меҳнат қилаётган барча
юртдошларимизни, тадбиркор ва
қишлоқ мулкдорларини

**Истиқлолнинг 21 йиллиги
билан табриклайди**

*Мустақиллик байрами
шукуҳи хонадонларимизни
ҳеч қачон тарк этмасин!*

